

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.ТІВ.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВ ЖОНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДА ИММУНИТЕТ ФАОЛЛАШТИРИШ
МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА ТАДБИРЛАРИНИНГ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.12 – Тиббий реабилитология
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд–2025

УЎК: 616.98:578.828-036.22:615.37:577.1

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Кадиров Жонибек Файзуллаевич

Разработка реабилитационной программы лечебно-профилактических мероприятий при ВИЧ-инфекции с учетом молекулярных механизмов иммунной активации..... 3

Кадиров Жонибек Файзуллаевич

ОИВ инфекциясида иммунитет фаоллаштириш молекуляр механизмларини ҳисобга олган ҳолда даволаш-профилактика чора тадбирларининг реабилитация дастурини ишлаб чиқиш..... 27

Kadirov Jonibek Fayzullaevich

Development of a rehabilitation program for therapeutic and preventive measures in HIV infection, taking into account molecular mechanisms of immune activation..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.ТІВ.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВ ЖОНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДА ИММУНИТЕТ ФАОЛЛАШТИРИШ
МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА ТАДБИРЛАРИНИНГ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.12 – Тиббий реабилитология
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд–2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.DSc/Tib.747 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ризаев Жасур Алимджанович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилором Алимовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович

биология фанлари доктори, профессор

Эсауленко Елена Владимировна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18. Тел.: (+99866) 233–30–34; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100400, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34, e-mail: sammu@sammu.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Ярмухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ОИВ глобал жамоат соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда: 2021 йилда тахминан 38,4 миллион инсон ОИВ ташхиси билан яшаб келган ва ОИВ эпидемияси бошланганидан буён, бутун дунё бўйича 40,1 миллион инсон бу касалликдан вафот этган¹. Даволашдаги ютуқлар туфайли бугун ОИВ ташхиси қўйилган беморлар қарилик давригача яшаб, инфекцияланмаган инсонларни ҳаёти давомийлигига тенг умрни яшашлари мумкин². Бироқ яшаб қолиш кўрсаткичларининг яхшиланишига қарамай, ОИВ беморлари ОИВ билан боғлиқ бўлган бир қатор жисмоний, когнитив, руҳий ва ижтимоий саломатлик муаммолари, ёндош касалликларга юз тутадилар³.

ОИВ контекстида реабилитация тушунчаси ҳар қандай профилактик ва/ёки даволаш чора-тадбирлари ва хизматларидан иборат бўлган динамик жараён каби белгиланади, бу тадбирлар бир инсон мисолида организмнинг бузилишлари, фаолликнинг чекланиши ва ижтимоий соҳада чекловларни бартараф қилишга қаратилган⁴. Бироқ ОИВ контекстида реабилитация хануз ривожланиш босқичида турибди. ОИВ ни парваришлаш соҳасида реабилитация бўйича камсонли мутахассислар фаолият юритади. Замонавий тадқиқотларнинг тасдиқлашига кўра, сўровномада қатнашган реабилитация бўйича 61% мутахассислар ОИВ ташхиси қўйилган беморлар билан онгли ҳолатда ҳеч қачон ишламаганлар, ва фақатгина, камсонли ОИВ бўйича мутахассислар ўз беморларини реабилитация босқичига йўллайдилар⁵. ОИВ билан яшаётган шахсларга даволашни қўшимча ва муқобил воситаларига ва усуллари ёки жамоат ташкилотлари хизматларига ўз муаммоларини ечими хусусида муурожаат қилишга мажбур бўладилар⁶. Демак, ОИВ клиник амалиётида реабилитацияни ўрнини қўллаб-қувватлаш ва бошқариш учун кўпроқ тадқиқотлар ва исботлар талаб этилади.

Яқин орада бажарилган тадқиқотлар кўрсатишича, сурункали инфекцияда мустабид ва ўта фаол туғма иммун тизими, айниқса, I тип (IFN-I) интерферон тизими яллиғланиш ва иммунсупрессияни келтириб чиқариш орқали касалланиш жараёнида ёмон таъсирга эга бўлади ва шу тариқа ОИВ-инфекция жадаллашишига сабаб бўлиши мумкин. IFN-I асосан плазмоцитоид дендрит хужайралар (ДХ) томонидан ҳосил бўлади. Плазмоцитоид ДХ вирус антигенлари ёки эндоген нуклеин кислоталарининг паттерн-таниб олувчи

¹ Mahdavi, F., Shams, M., Sadrebazzaz, A., Shamsi, L., Omidian, M., Asghari, A., ... & Salemi, A.M. (2021). Global prevalence and associated risk factors of diarrheagenic *Giardia duodenalis* in HIV/AIDS patients: A systematic review and meta-analysis. *Microbial Pathogenesis*, 160, 105202.

² Deeks, S.G., Lewin, S.R., & Havlir, D.V. (2013). The end of AIDS: HIV infection as a chronic disease. *The lancet*, 382(9903), 1525-1533.

³ Willard, S., Holzemer, W.L., Wantland, D.J., Cucca, Y. P., Kirksey, K.M., Portillo, C.J., ... & Lindgren, T. (2009). Does "asymptomatic" mean without symptoms for those living with HIV infection? *AIDS care*, 21(3), 322-328.

⁴ Worthington, C., Myers, T., O'Brien, K., Nixon, S., & Cockerill, R. (2005). Rehabilitation in HIV/AIDS: development of an expanded conceptual framework. *AIDS Patient Care & STDs*, 19(4), 258-271.

⁵ Worthington, C., O'Brien, K., Myers, T., Nixon, S., & Cockerill, R. (2009). Expanding the lens of HIV services provision in Canada: results of a national survey of HIV health professionals. *AIDS care*, 21(11), 1371-1380.

⁶ Agnoletto, V., Chiaffarino, F., Nasta, P., Rossi, R., & Parazzini, F. (2006). Use of complementary and alternative medicine in HIV-infected subjects. *Complementary therapies in medicine*, 14(3), 193-199.

рецепторлар (PRR) ёки толлсимон рецепторлар (TLR), асосан 7- ёки 9-тип билан ўзаро таъсирланишдан кейин IFN-I ни ишлаб чиқаради. ИСГ вируслар репликациясини босиш учун барча ядросакловчи хужайраларга таъсир кўрсатади, шунингдек иммунстимулловчи ҳоссаларга, шу жумладан, миелоид ДХ етилиш ва фаоллашиш индукцияси билан, Th1 типи бўйича иммун жавоб поляризацияси, В-лимфоцитлар фаоллашиши, антитаналар ҳосил бўлиши ва иммуноглобулинлар синфи ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳоссаларга ҳам эга бўлади. IFN-I фаоллашиши ҳақида одатда ИФН-стимулланган генлар (ИСГ) экспрессияга мувофиқ муҳокама қилинади. ИСГ нинг ўрни узоқ вақт вирусга қарши деб ҳисобланган, бунда у вирусни ҳаёт цикли давомида бир неча босқичларда чеклаган. Яқин орада ўтказилган тадқиқотларга кўра, вирусга қарши ва провирус, ҳамда про- ва антиапопстик ИСГ биргаликда мавжуд бўлиши мумкин. ОИВ-1 репликацияси вақтида ҳосил бўладиган ИСГ орасида PKR (protein kinase R) оқсил синтезини тўхтатади, лекин ОИВ-1 қарши таъсирга эга бўлган механизмларга, жумладан вирусли Tat оқсил ва хужайрали TRBP (трансфаоллашаётган РНК ни боғловчи оқсил), ADAR1 (аденозин-дезаминаз, РНК га таъсирли) ва PACT (protein kinase R активатори) ҳос равишда эволюция бўлган. Бундан ташқари, яқин орада ўтказилган тадқиқотларга кўра, ОИВ-1 ни ишлаб чиқилиши ва кўпайишини кучайтирадиган баъзи ИСГ ни аниқлашган. ADAR1 ОИВ-1 ишлаб чиқиладиган хужайраларда ҳаддан зиёд кўп пайдо бўлади ва, оқибатда вирионлар ишга киришади. У IFN жавобини босади, вирус РНК худди ўзиникидей белгилайди ва ассессор йўллари ингибирлайди, вирус РНК сини таҳрирлаб, вирус репликациясини оширади, ҳамда PKR ни ингибирлайди. Демак, иммунитет регуляцияси ОИТС жадаллашишида, айниқса ОИВ-инфекциянинг сурункали фазасида аҳамиятли ўринни эгаллаши мумкин.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январ 2022 йилдаги ПФ60-сон “ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармонида, 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6110-сон Фармонида, 20 январ 2023 йилдаги ПҚ-14-сон “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорида, ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга ошишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди – V. "Тиббиёт ва фармакология".

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. ОИВ билан яшаб келаётган инсонларни тиббий реабилитациясини такомиллаштириш халқаро даражадаги илмий тадқиқотларининг устувор

йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу саъи-ҳаракатлар инвалидизация ва ўлим ҳолати даражасини пасайтиришга, ҳамда беморлар ҳаёт давомийлиги ва сифати ошишига қаратилган. Мазкур мавзунинг долзарблиги Онтарио (Канада) провинциясида ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар билан тасдиқланади, унга кўра ОИВ билан касалланган беморларни 34% да энг ками бир дона ёндош соматик касаллиги мавжуд, 39% да – рухий бузилишлар кузатилган. Мультиморбидлигининг тарқоқлиги – жисмоний ва рухий касалликларни уйғунлиги – тадқиқот иштирокчилари орасида 16% ни ташкил қилди ва ёш ошган сари ортиб борди (*Kendall C.E. et al., 2014*). Кекса ёшдаги ОИВ-инфекцияланган беморлар айниқса заиф бўладилар, негаки, тиббий муаммолардан ташқари, ёшга доир дискриминация, ижтимоий стигматизация, рухий-эмоционал ҳолатни ёмонлашиши, молиявий қийинчиликлар ва ижтимоий кўмакнинг етишмовчилигига дуч келадилар (*Valcour V. et al., 2004.*).

Сўнгги йилларда ҳорижий илмий адабиётларда қариш, мультиморбидлик ва ОИВ муаммолари фаол муҳокама қилинаётганига қарамай, бу беморларнинг ногиронлиги ва реабилитацияси билан боғлиқ масалалар хануз етарлича ўрганилмаган ҳолда қолмоқда (*Roger K.S. et al., 2013*). Бу инвалидизация механизмларини чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган янги илмий устуворликларни шакллантиришга, тўсиқларни аниқлаб, самарали реабилитация ва жамиятга интеграциясини белгилаб беради, шунингдек, мазкур тоифа беморларни комплекс кузатишга клиник ва ташкилий ёндашувларни ишлаб чиқиш талабини тақозо қилади.

Шу тариқа, халқаро илмий жабҳада ОИВ, қариш, мультиморбидлик, рухий саломатлик ва реабилитация жиҳатларини бирлаштирувчи дисциплиналар ўртасида тадқиқотлар ўтказиш зарурати аниқ белгиланади, бу йўналиш истиқболли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган йўналиш ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ОИВ/ОИТС га қарши курашда аҳамиятли ўсишга қарамай, мазкур касаллик аввалгидек, соғлиқни сақлаш тизимининг етакчи муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Касалликни ташхислаш ва даволаш масалалари билан бир қаторда, ОИВ билан яшаётган инсонларнинг инвалидизацияси ва тиббий реабилитацияси зарурати билан боғлиқ жиҳатларни тобора долзарблиги ортиб бормоқда. Бироқ мазкур йўналишлар бугунги кунда етарлича ўрганилмаган ва кейинги илмий ишланмаларни талаб қилади. ОИВ-инфекцияланган инсонларнинг умри давомийлигининг ўсиб бориши билан ёндош касалликларнинг тарқалиши, ҳамда ҳаёт сифатининг ёмонлашиши, функционал чекловлар ва ижтимоий заифлик билан боғлиқ хавф-хатар ҳам ўсиб бормоқда. Бу ОИВ-инфекциянинг ногиронлик ҳолатига таъсирини тизимли равишда ўрганиш талаби ва мазкур тоифа беморларнинг реабилитациясига самарали ёндашувлар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Бу талабларга жавобан халқаро илмий оламда тадқиқотларнинг устувор йўналишлари тузилмаси таклиф этилган, тузилма олти етакчи соҳани қамраб олган: саломатлик ҳолатини эпизодик ёмонлашиши ва у билан боғлиқ ногиронлик ҳолати; ёндош касалликлар; умри давомида ОИВ билан кексайиш, реабилитация кўмаги ва бу каби хизматларни кўрсатиш моделларининг

оммабоплиги; реабилитация аралашувлари самарадорлиги; даволаш ва реабилитация натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш (*O'Brien, K.K. et al., 2014*).

Бу йўналишларнинг шаклланиши илмий ҳамжамиятнинг ОИВ муаммосига комплекс ва дисциплиналар аро ёндашувини ишлаб чиқишга интилишини акс эттиради. Тадқиқотларнинг белгиланган соҳаларда бажарилиши ОИВ беморларини функционал бузилишлари асосида ётган жараёнларини чуқурроқ тушунишга ва клиник амалиёт, реабилитацион дастурлар ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш учун илмий асосланган тавсиялар яратишга ёрдам беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетини 012000260-сон илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида «Инфекцион ва ноинфекцион этиологияли ижтимоий-аҳамиятга эга касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2020-2025 йй.) мавзусига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. ОИВ беморларини реабилитацияси учун иммун активациянинг молекуляр механизмларини чуқур ўрганиш асосида терапия самарадорлигини ошириш, инвалидизация даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган даволаш-профилактика тадбирларининг комплекс реабилитацион дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида замонавий босқичда ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларни олиб боришнинг мавжуд терапевтик ва реабилитацион стратегияларининг самарадорлигини баҳолаш;

HLA-DRA (rs8084) гени полиморфизми ва ОИВ-инфекциясининг ривожланиши ўртасидаги ассоциацияни ўрганиш, касаллик патогенезида генетик мойилликнинг ўрнини аниқлаш;

HLA-DRA (rs8084) гени турли аллелларининг ОИВ-инфекциясининг клиник шакллари, касаллик жадаллашиши динамикаси, CD4-хужайралари нисбати ва беморни ёшга доир хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқани таҳлил қилиш, генетик омилларнинг касалликнинг клиник кечишига таъсирини аниқлаштириш;

ОИВ-инфекцияли беморларда иммун жавоби шаклланиши ва касаллик жадаллашишидаги интерферон-стимулланган генларнинг (MX2, IFNM1, ADAR1) ўрнини аниқлаш мақсадида, уларни экспрессияси даражасини баҳолаш;

шахсга йўналтирилган терапияда қўллашда прогностик аҳамиятга ва потенциалга эга бўлган молекуляр-генетик маркерлар идентификацияси учун интерферон-стимулланган ген экспрессияси ва HLA-DRA (rs8084) генотиплари орасидаги ўзаро алоқадорликни ўрнатиш;

комплекс терапия самарадорлигини ошириш, ОИВ-инфекция билан яшаб келаётган беморларни функционал ҳолати ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида HLA-DRA генетик тавсифномаси ва ИФН-стимулланган генлар

экспрессиясига асосланган даволаш-профилактика тадбирларининг илмий асосланган реабилитацион дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ОИВ-инфекцияси ташҳиси тасдиқланган 357 нафар бемор иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида HLA-DRA (rs8084) локуси бўйича генотиплашни ўтказиш, ҳамда интерферон-стимулланган генлар (MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессиясини баҳолаш учун қўлланилган веноз қон ва қон зардоби намуналари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида комплекс клиник-лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик услублар қўлланилган. Генетик маркерларни ўрганиш учун полимераза занжир реакцияси (ПЦР) услуби орқали HLA-DRA (rs8084) полиморфизми генотипланиши ва кейинги аллел ва генотипик вариантлар таҳлили ўтказилган. Интерферон-стимулланган генлар (MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессиясини аниқланиши микдорий ПЦР услуби орқали жорий вақт давомида (qPCR) ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекцияли беморлари учун мавжуд профилактик, терапевтик ва реабилитацион стратегияларни самарадорлиги комплекс баҳоланди, бунинг натижасида клиник ёндашув хусусиятлари ва мавжуд услубларнинг камчиликлари аниқланди, бу эса ўз навбатида, яхшилانган терапевтик ва реабилитацион тадбирларнинг ишланмаси учун замин яратади;

HLA-DRA (rs8084) гени полиморфизми ва ОИВ-инфекцияси ривожланиши орасида уйғунлик илмий асосланди, бу индивидуал терапевтик ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришда генетик мойилликни инобатга олиш имконини берди;

илк бор ОИВ-инфекцияси контекстида HLA-DRA (rs8084) генотипларини касалликнинг клиник аломатлари, ОИВ-инфекция жадаллашиши, CD4 нисбатлари ва беморнинг ёшга доир тавсифлари орасида ўзаро алоқадорлик ўрганилди, бу ўз навбатида касалликнинг генетик омилларни инобатга олган ҳолда башоратлаш имконини берди.

илк бор интерферон-стимулланган генлар (MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессиясининг иммун жавобда ва ОИВ-инфекциянинг жадаллашишидаги ўрни асосланди, бу терапия ва реабилитацияда шахсга йўналтирилган ёндашиш учун молекуляр-генетик маркерлар ишланмаси учун янги имкониятлар очиб беради;

иммун активациянинг молекуляр механизмлари асосида клиник натижаларнинг яхшиланиши ва ОИВ-инфекцияси бўлган беморлар ҳаёт сифатинининг ошишига қаратилган инновацион реабилитацион дастур ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молекуляр маълумотлар асосида ишлаб чиқилган ОИВ-инфекцияси бўлган беморларнинг даволаш-профилактика ва реабилитация дастури даволаш

самарадорлигини ошириш, инвалидизация даражасини пасайтириш ва ОИВ беморлари ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради;

генетик тадқиқотлар натижалари, шу жумладан, HLA-DRA (rs8084) гени полиморфизми ва ОИВ клиник тавсифлари ўртасидаги уйғунликларни аниқлаш, даволаш ва реабилитациянинг шахсга йўналтирилган дастурларини яратиш касаллик жадаллашиши хавфларини пасайтиради;

ИФН-стимулланган генлар (MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессияси каби ўрнатилган молекуляр маркерлар ОИВ-инфекциясининг жадаллашишини ташхислаш ва мониторинг қилишда, шунингдек, янги терапевтик ва реабилитацион ёндашувлар ишланмасида қўлланилиши даволаш- профилактик ва тиббий реабилитацион самарадорликни оширади;

генетик омилларнинг ОИВ-инфекциянинг кечишига таъсири ҳақидаги олинган маълумотлар прогностик моделларини яратишга замин бўлади ва бунинг натижасида касалликнинг турли босқичларида шифокорларга беморларни даволаш тактикасини самарали бошқаришга ёрдам беради;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги куйидагиларда мужассам: тадқиқот давомида олинган барча рақамли маълумотларга замонавий дастурий таъминотини қўллаган ҳолда (GraphPad Prism) статистик ишлов берилди, бунда натижаларнинг юқори даражаси ва аниқлигини таъминлашга эришилди; генетик тадқиқотлар юқори сезувчан услубларни қўллаган ҳолда бажарилган, бу ўлчовларнинг юқори аниқлигини таъминлайди; лаборатор тадқиқотлар аккредитацияланган лабораторияларда бажарилди, бу эҳтимолий техник хатоликларни бартараф қилади; натижалар кўп сонли ўлчамлар ва турли услубларни қўллаган ҳолда маълумотларнинг кросс-текшируви ёрдамида текширилиб тасдиқланган, бу тасодикий хатоликлар эҳтимолини камайтиради ва ҳулосаларнинг ишончлилигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида илк бор бажарилган ушбу тадқиқот HLA-DRA (rs8084) гени полиморфизми каби молекуляр-генетик маркерлар ва ОИВ-инфекциянинг клиник аломатлари орасида ўзаро алоқадорлик орқали интерферон-стимулланган генлар (MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессияси иммун жавобда ОИВ жадаллашишидаги ўрни илмий асосланган ва бу ОИВ беморларини тиббий реабилитацияси соҳасида инновацион ёндашув бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотнинг молекуляр маркерларга тегишли бўлган натижалари касалликни ташхисотини такомиллаштириш, касалликни жадаллашишини мониторинг қилиш ва реабилитациянинг оптимал услубларини танлаш учун клиник амалиётга дастурий қўлланма сифатида киритилади ва инвалидизация даражасининг камайишига таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОИВ-инфекцияси беморларини олиб бориш учун реабилитация комплекс дастурини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида, терапия самарадорлигини ошириш, инвалидизация даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга

йўналтирилган иммун активациясини молекуляр механизмини чуқур ўрганиш асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Ўзбекистон Республикасида замонавий босқичда ОИВ-инфекцияси бўлган беморларни олиб бориш учун мавжуд профилактик, терапевтик ва реабилитацион стратегияларнинг самарадорлигини комплекс баҳолаш бажарилди, бу клиник ёндашувнинг хусусиятларини аниқлаш ва мавжуд усуллардаги бўшлиқларни аниқлаш имконини берди, бу эса ўз навбатида, яхшиланган терапевтик ва реабилитация тадбирларини ишлаб чиқиш учун асос яратади. "ОИВ инфекциясининг дастлабки босқичидаги иммунологик ҳодисалар", "ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларнинг иммуногенетик мониторинги" бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (27 декабр 2023 йил 5-сон баённома), Самарқанд вилояти ОИТС га қарши кураш бўйича маркази 06.01.2025 3-сон буйруғи билан амалий фаолиятга, 08.01.2025 санасидаги 01/т-сон буйруғи билан Қашқадарё вилоят ОИТС га қарши кураш маркази ва 23.01.2025 йил санасидаги 3-сон буйруғи билан Навоий вилоят ОИТС га қарши кураш маркази амалий фаолиятига жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилган стратегияларнинг жорий қилиниши ОИВ беморларининг ҳаёт сифатини оширишга, уларнинг тиббий реабилитациясини яхшилашга ва касаллик билан курашишда мустаҳкам ва узок муддатли натижага эришишга ёрдам беради. Хусусан, клиник натижаларнинг яхшиланиши ва ОИВ беморлари орасида инвалидизация даражаси пасайиши уларнинг ижтимоий интеграциясига, стигматизация пасайиши ва руҳий-ижтимоий фаровонлик яхшиланишига ёрдам беради. Беморлар орасида ногиронлик даражаси 15-20% га пасайиши, фаол меҳнат фаолиятига қайтган шахслар сони 25% га ортиши кутилмоқда; *иқтисодий самарадорлик:* ишлаб чиқилган тадбирлар ва услубларнинг қўлланилиши салмоқли иқтисодий фойда келтиради. Иқтисодий самарадорлик мавжуд даволаш ва раебилитация жараёнларининг оптимизацияси, шифохонада қолиш вақти ва миқдори қисқариши, шунингдек, фармакотерапия самарадорлиги ошиши ва даволаш билан боғлиқ ҳаражатларнинг камайиши ҳисобига бир беморга 1200000 сўмни ташкил қилди. Кутилаётган иқтисодий фойда тиббиёт ресурсларини рационал қўлланилиши, госпитализацияга ҳаражатларнинг қисқариши ва беморлар саломатлигининг умумий ҳолати яхшиланиши туфайли бир беморга 500000 сўмни ташкил қилди, бу асоратлар частотасини камайтиришга ёрдам беради. *Ҳулоса:* тадқиқот натижалари ва жорий қилинган услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси беморларини даволаш, профилактика қилиш ва реабилитация қилишга ёндашувларни янада такомиллаштириш учун илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади. Бу чоралар беморлар саломатлигининг яхшиланиши билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини самарали қўллашни таъминлаб, жамоат соғлиғини сақлашга ва иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

иккинчи илмий янгилик: HLA-DRA (rs8084) гени полиморфизми ва ОИВ-инфекцияси ривожланиши орасида уйғунлик аниқланди, бу индивидуал терапевтик ва реабилитацион тадбирларни режалашда генетик мойилликни

инобатга олиш имконини беради. "ОИВ инфекциясининг дастлабки босқичидаги иммунологик ходисалар", "ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларнинг иммуногенетик мониторинги" бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (27 декабр 2023 йил 5-сон баённома), Самарқанд вилояти ОИТС га қарши кураш бўйича маркази 06.01.2025 3-сон буйруғи билан амалий фаолиятга, 08.01.2025 санасидаги 01/т-сон буйруғи билан Қашқадарё вилоят ОИТС га қарши кураш маркази ва 23.01.2025 йил санасидаги 3-сон буйруғи билан Навоий вилоят ОИТС га қарши кураш маркази амалий фаолиятига жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: индивидуал терапевтик ва реабилитацион тадбирларни режалашда генетик мойилликни ҳисобга олиш ОИВ беморларининг ҳаёт сифатини сезиларли ошириш, асоратлар частотасини камайтириш ва клиник натижаларни яхшилашга ёрдам беради. Шахсга йўналтирилган ногиронлик қисқаришига ва беморнинг фаол ижтимоий ҳаётга қайтишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида уларнинг ижтимоий интеграцияси ва жамоат фаолиятига жалб қилинишига ёрдам беради; *иктисодий самарадорлик*: генетик йўналтирилган ёндашувнинг жорий қилиниши салмоқли иқтисодий фойдага эришишга ёрдам беради. Индивидуал терапевтик стратегияларнинг қўлланилиши шифохонага ётқизилиш частотаси ва асоратлар миқдори пасайтиради, бу эса ўз навбатида узоқ муддат даволаниш ва реабилитацияга сарфланадиган харажатларни камайтиради. Кераксиз госпитализациялар сони қисқариши ва буюрилган воситалар оптимизацияси ҳисобига ҳар бир бемор учун 1500000 сўм тежалиши кутилмоқда, бу эса даволашнинг иқтисодий самарадорлигини аҳамиятли яхшилайдди. *Хулоса*: тадқиқот натижалари ва жорий қилинган услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси беморларини даволаш, профилактика қилиш ва реабилитация қилишга ёндашувларни янада такомиллаштириш учун илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади. Бу чоралар беморлар саломатлигининг яхшиланиши билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини самарали қўллашни таъминлаб, жамоат соғлиғини сақлашга ва иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

учинчи илмий янгилик: илк бор ОИВ-инфекцияси контекстида HLA-DRA (rs8084) генотипларининг касалликни клиник аломатлари, ОИВ-инфекция жадаллашиши, CD4 нисбати ва беморни ёшга доир тавсифлари орасида ўзаро алоқадорлиги ўрганилди, бу генетик омилларни инобатга олган ҳолда касаллик кечишини башоратлаш имконини беради. "ОИВ инфекциясининг дастлабки босқичидаги иммунологик ходисалар", "ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларнинг иммуногенетик мониторинги" бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (27 декабр 2023 йил 5-сон баённома), Самарқанд вилояти ОИТС га қарши кураш бўйича маркази 06.01.2025 3-сон буйруғи билан амалий фаолиятга, 08.01.2025 санасидаги 01/т-сон буйруғи билан Қашқадарё вилоят ОИТС га қарши кураш маркази ва 23.01.2025 йил санасидаги 3-сон буйруғи билан Навоий вилоят ОИТС га қарши кураш маркази амалий фаолиятига жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: генотип асосида касаллик кечишини башоратлаш даволаш ва реабилитация стратегияларини аниқ танлашга ёрдам беради, ва бу бемор ҳаёти сифатини

яхшилаш ва ногиронлик даражасини пасайтириш имконини беради. Бу беморларга жамиятга самаралироқ интеграция бўлиши ва фаол ҳаёт тарзини олиб боришлари имкон беради; *иктисодий самарадорлик*: касаллик кечишини генетик тахсиллаш ва башоратлаш даволаш схемаларини оптимизациялашга ёрдам беради, ва бунда ресурсларни бошқаришнинг яхшиланиши ва самаралироқ даволаш схемалари ҳисобига бир беморга 1200000 сўм тежаш имконини беради. *Хулоса*: HLA-DRA генотипларининг ОИВ-инфекциясининг клиник аломатлари орасидаги ўзаро алоқадорлигини ўрганиш даволашда шахсга йўналтирилган ёндашуви учун янги истиқболлар пайдо қилади, бунинг натижасида беморлар саломатлиги яхшиланади ва соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий самарадорлиги ортади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор интерферон-стимулланган генлар (MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессиясининг иммун жавобдаги ва ОИВ-инфекцияси жадаллашишидаги ўрни аниқланди, бунинг натижасида терапия ва реабилитацияда шахсга йўналтирилган ёндашувлар учун молекуляр-генетик маркерларни ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очилди. "ОИВ инфекциясининг дастлабки босқичидаги иммунологик ҳодисалар", "ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларнинг иммуногенетик мониторинги" бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (27 декабр 2023 йил 5-сон баённома), Самарқанд вилояти ОИТС га қарши кураш бўйича маркази 06.01.2025 3-сон буйруғи билан амалий фаолиятга, 08.01.2025 санасидаги 01/т-сон буйруғи билан Қашқадарё вилоят ОИТС га қарши кураш маркази ва 23.01.2025 йил санасидаги 3-сон буйруғи билан Навоий вилоят ОИТС га қарши кураш маркази амалий фаолиятига жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: иммун жавоби ва касаллик жадаллашишини башоратлаш учун молекуляр-генетик маркерларни кузатиш даволаш тартибини шахсга йўналтириш, самарадорлигини ошириш ва бемор ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Бунинг натижасида ногиронлик даражаси камайиши, тикланиш тезлашиши ва беморларда руҳий зўриқиш камайиши, ижтимоий интеграция яхшиланишига эришилади, *иктисодий самарадорлик*: шахсга йўналтирилган даволаш учун маркерлар кўринишидаги интерферон-стимулланган генларнинг қўлланилиши асосиз аралашувлар ва шифохонага жойлаштиришлар сонини камайтиради, бу терапевтик ёндашувлар аниқ танлови ва тиббий ресурсларни самарали қўллаш ҳисобига ҳар бир беморга 1000000 сўм тежалишига олиб келади. *Хулоса*: интерферон-стимулланган генлар экспрессиясининг ОИВ-инфекцияси жадаллашишидаги ўрни шахсга йўналтирилган даволаш тартиби учун янги имкониятлар очади, бу эса клиник натижаларни яхшилаш билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини салмоқли яхшилашга ёрдам беради.

бешинчи илмий янгилик: иммун активациянинг молекуляр механизмлари асосида клиник натижаларни яхшиланиши ва ОИВ-инфекцияси беморлари ҳаёт сифати ошишига қаратилган инновацион реабилитацион дастур ишлаб чиқилди, бу сурункали вирус инфекцияси шароитида тиббиёт реабилитациясига янги ёндашув ҳисобланади. "ОИВ инфекциясининг

дастлабки босқичидаги иммунологик ҳодисалар", "ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларнинг иммуногенетик мониторинги" бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (27 декабр 2023 йил 5-сон баённома), Самарқанд вилояти ОИТС га қарши кураш бўйича маркази 06.01.2025 3-сон буйруғи билан амалий фаолиятга, 08.01.2025 санасидаги 01/т-сон буйруғи билан Қашқадарё вилоят ОИТС га қарши кураш маркази ва 23.01.2025 йил санасидаги 3-сон буйруғи билан Навоий вилоят ОИТС га қарши кураш маркази амалий фаолиятига жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: инновацион реабилитацион дастурнинг ишлаб чиқилиши ОИВ беморларининг ҳаёт сифатини сезиларли яхшилади, терапиядан кейин тикланишни тезлаштиради, ногиронликни пасайтиради ва беморларни руҳий-ижтимоий фаровонлигини яхшилади. Бунинг натижасида беморларни яхшироқ ижтимоий интеграцияси кузатилади, стигматизация даражаси пасаяди ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкони пайдо бўлади; *иктисодий самарадорлик*: инновацион реабилитация дастурининг жорий қилиниши узоқ муддатли даволаш ва госпитализацияга сарфланадиган ҳаражатларни камайтириш, тиббий аралашувларга кичик ҳаражатлар қилиб ҳам клиник натижаларни яхшилашга имкон берди. Шифохоналарга эҳтиёж қисқариши ва беморнинг функционал ҳолати тезроқ тикланиши ҳисобига ҳар бир беморга 1200000 сўм тежалиши кутилмоқда. *Ҳулоса*: ишлаб чиқилган реабилитацион дастур иммун активациясининг молекуляр механизмларига асосланган бўлиб, ОИВ ни даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш учун янги имкониятлар очиб берди. Бундай ёндашув тиббий натижаларнинг яхшиланиши билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш иқтисодиётига ва беморларнинг ижтимоий интеграциясига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 7 та илмий-амалий конференциялар, шу жумладан 4 та халқаро ва 3 республика конференцияларида тақдим этилди ва муҳокама қилинди, бу ерда натижаларга илмий ҳамжамият ва ОИВ соҳасида ва молекуляр тиббиёт соҳаси амалий мутахассисларини юқори баҳоли берилди

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 илмий иш чоп этилди, шундан 12 таси диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика ва халқаро илмий нашрларида журнал мақолалари кўринишида тақдим этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, адабиётлар шарҳи, тадқиқот материаллари ва услублари, шахсий тадқиқотлар натижалари вауларнинг муҳокамаси, ҳулосалари, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган. Иш тадқиқотнинг асосий бўлимларига ҳар бири мантиқий ва мавзуй боғланган олтита бобдан иборат. Диссертация ҳажми 186 варақ, шу жумладан 39 расмлар ва жадваллар.


ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ОИВ-инфекция муаммолари ва ташхислаш ва даволашнинг замонавий услублари**» деб номланган биринчи бобида ОИВ-инфекциясининг тарқалиши, унинг тарқалиши билан боғлиқ жаҳон миқёсидаги чақирувлар ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақидаги долзарб маълумотлар кўриб чиқилган, ОИВ-инфекциясида организмда рўй берадиган асосий молекуляр ва иммунологик жараёнлар ва уларнинг касаллик патогенезидаги ўрни таҳлил қилинган, ОИВ ни даволашга энг янги ёндашувлар, хусусан шу соҳадаги терапия услублари ва кейинги тадқиқотлар истиқболлари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материаллар, услублар ва тадқиқот давомида қўлланган муолажалар батафсил келтирилган.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ, 2022 – 2025 йиллар оралиғида ОИВ-инфекцияси мавжуд 357 нафар беморнинг клиник-лаборатор тадқиқотлари ўтказилди. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ОИТС га қарши кураш бўйича Республика маркази базасида бажарилди. Тадқиқот объекти сифатида доимий назорат остида бўлган ва тадқиқотда иштирок этишда ихтиёрий хабардорлик розилигини берган ОИВ инфекцияси 1 типи бўлган беморлар иштирок этди. Назорат гуруҳига 233 нафар шартли соғлом қариндош бўлмаган шахслар олинган. Тадқиқотга қўшиш мезонларига 14 ёшдан катта ёш ва ОИВ-инфекциясининг лабораторияда тасдиқланган ўткир босқичи бўлди. Беморларни умумий танлашда аёллар 166 нафар (46,5%), эркаклар – 191 нафар (53,5%) ни ташкил қилган, жинслар нисбати 1:1,15 га тенг бўлди.



Расм 1. ОИВ-инфекцияси мавжуд беморларни жинсга кўра тақсимланиши

Текширув вақтида касаллик босқичлари, ОИВ-инфекцияли беморларини ёшга доир тавсифлари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал 1

ОИВ-инфекцияли беморларини касаллик босқичлари ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

Касаллик босқичи	Ёш гуруҳлари n=357			
	14-25 ёш	25-35 ёш	35-60 ёш	60 ёш ≤
I босқичи (n=38)	n=12	n=13	n=13	-
II босқичи (n=46)	n=14	n=13	n=19	-
III босқичи (n=133)	n=28	n=24	n=25	n=56
IV босқичи (n=140)	n=46	n=14	n=25	n=55

Барча беморлар индивидуал клиник кўрсатмаларга биноан турлича антиретровирус терапияси (АРВТ) схемаларини олганлар ва доимий динамик кузатув остида бўлганлар. Клиник-лаборатор текширув терапиянинг самарадорлигини баҳолаш, иммунологик мақом мониторинги ва даволаш-реабилитация чораларининг ўз вақтидаги коррекцияси учун йилига 3-4 марта ўтказилган.

Қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш ОИВ 1-типи ташхиси қўйилган беморларда комплекс клиник, функционал, махсус лаборатор-ИФА, ПЦР текширувлари бажарилган. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник ва лаборатор услублар қўлланилиши, барча беморлардан ажратиб олинган иммунологик (CD4+ лимфоцитларнинг қондаги миқдорини аниқлаш), молекуляр-биологик (ОИВ вирус юкламаси), молекуляр-генетик тадқиқотлар (HLA II синфи (локус DRA), генлари типланиши), ИСГ- ADAR1 (MX2, IFTM1) периферик қонда моноклеар хужайраларда экспрессияси нисбатининг аниқланиши кўринишида ОИВ-инфекцияси мажвуд беморларни текшируви ўтказилган, миқдорий ПЦР ҳамда тескари RT-qPCR транскрипцияси ўтказилган.

Натижаларнинг статистик ишлови замонавий дастурий таъминоти (GraphPad Prism), ўртача арифметик бирлик (M) ҳисоби, ўртача арифметик бирлик (m), Стъюдент мезони (t), хатолик эҳтимоли (p), Пирсон корреляцияси коэффицентини (r) ҳисоблаш қўллаш орқали бажарилган. Генетик тадқиқотларда χ^2 мезони, PValue, RR- нисбий хавф, EF- этиологик фракцияси кўрсаткичи ва PF-превентив фракцияси кўрсаткичи ҳисобланган.

Диссертациянинг «ОИВ1-инфекцияси кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва беморларнинг комплекс тиббий ва рухий-ижтимоий реабилитациясига мавжуд ёндашувлар» деб номланган учинчи бобида тадқиқотда иштирок этаётган ОИВ-1 инфекцияли беморларини клиник-лаборатор маълумотлари таҳлили натижалари келтирилган. Мазкур бобда ОИВ инфекцияланиши йўллариининг хусусиятлари, беморларни касаллик босқичлари ва ёшга доир мезонлари бўйича тақсимланиши таҳлил қилинган, ҳамда вирус юкланмаси нисбати ва CD4+ лимфоцитлари сони бўйича белгиланадиган иммун статус миқдорий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар тақдим этилган. ОИВ-1 инфекциясини клиник аломатларини

баҳолашга, симптомларнинг намоён бўлиши ва иммунтанқислиги босқичи орасидаги ўзаро алоқадорлик ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Эпидемиологик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ОИВ-1-инфекцияси бўлган текширилган беморлар орасида вирус юқишини устувор йўли жинсий йўл бўлган, у 343 (96,1%) нафар беморларда ўрнатилган. Инфекция юқишининг парентерал йўли 6 (1,7%) нафарда аниқланган. 8 (2,2%) беморда анамнезда ишончли маълумот бўлмаганлиги сабабли ОИВ-1-инфекциясининг юқиш йўлини аниқлашни имкони бўлмади. Демак, текширилган беморларнинг орасида ОИВ юқишининг жинсий йўли инфекциянинг тарқалишида асосий омил бўлган. Шу билан бирга, зарарланишнинг парентерал йўли ва номаълум манба ҳолатлари янада синчковлик билан текшириш ва қўшимча профилактик стратегиялар ишланмасини талаб қилади.

ОИВ-1 мавжуд 357 нафар беморларда вирус юкланмаси бўйича маълумотлар қуйидаги натижаларни кўрсатди: 1,7% беморда вирусни номаълум даражали юкланмаси, 3,1% беморда 1000 нусха/мл дан юқори вирус юкланмаси бўлган, бу вируснинг нисбатан юқори фаоллигига ишора қилади. Беморларни энг катта миқдори (28%) 1000 дан 10000 нусха/мл гача вирус юкланмасига эга бўлган, бу вирус фаоллигининг ўртача даражасини акс эттиради. 26,6% беморда 10 000 дан 100 000 нусха/мл вирус юкланмаси бўлган, бу эса вирус фаоллигининг кучлироқ намоён бўлишидан дарак беради. 17,1% бемор 100 000 дан 500 000гача нусха/мл вирус юкланмасига эга, 9,5% - 500 000 дан 1 000 000 нусха/млга эга бўлган, бу вирус фаоллигининг юқори даражасига ишора қилади. Ва ниҳоят, 14% беморни вирус юкланмаси 1 000 000 нусха/мл да бўлган, бу эса вирус фаоллигининг ўта юқори даражасини билдиради. Текширилаётган гуруҳдаги аксарият беморларни енгил ва юқори вирус юкланмаси бўлган, бу касалликни самарали назорат қилиш антиретровирус терапияни касаллик жадаллашишини олдини олиш учун қўллаш заруратини кўрсатади.

Жадвал 2

ОИВ-инфекцияланган беморларда вирус юкланмаси

Қонда ОИВ РНК нусха/мл концентрацияси	ОИВ-инфекцияланганлар (n=357)
номаълум	6 - (1,7%)
1 000 >	41 - (3,1%)
1 000-10 000	100 - (28%)
10 000-100 000	95 - (26,6%)
100 000-500 000	61 - (17,1%)
500 000-1 000 000	34 - (9,5%)
1 000 000 <	50 - (14%)

ОИВ-1-инфекцияси беморларини қонида CD4+ лимфоцитларининг миқдори бўйича аниқланадиган иммунсупрессия даражаси иммун тизими заифлиги даражасини акс эттиради ва беморни кейинги терапиясини режалаштириш ва саломатлиги ҳолатини мониторинг қилиш учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

CD4+ лимфоцитлари ≤ 500 хуж/мкл нисбати бўлган гуруҳда 102 нафар бемор бўлган (умумий танловдан 28,5%), бу иммун тизимининг сезиларли сусайишига ишора қилади ва касаллик жадаллашишининг маркери бўлиб хизмат қилади. CD4+ лимфоцитларни бундай даражаси мавжуд беморлар вирус юкланмасини назорати ва иммун жавоби яхшиланиши учун интенсив антиретровирус терапиясига муҳтож бўладилар. CD4+ лимфоцитлари миқдори 350-500 хуж/мкл оралиғида бўлган гуруҳда 81 нафар (умумий гуруҳдан 22,69%) бемор қайд этилган. Бу кўрсаткич иммунсупрессиянинг ўртача даражасини кўрсатади, бунда иммун тизими заифлашган, лекин инфекцияларга қарши курашишни баъзи хоссалари сақланиб қолади. Бу гуруҳ беморлари учун иммун статусни қўллаб-қувватлаш ва тиклашга қаратилган фаол терапия зарур.

Жадвал 3

ОИВ-инфекцияси мавжуд беморлар гуруҳида CD4+ иммунсупрессия даражаси

CD4+ кл/мкл миқдори	Асосий гуруҳ (n=357)
500 хуж/мкл <	102 – (28,5%)
350-500 хуж/мкл	81 – (22,69%)
200-350 хуж/мкл	78 – (21,85%)
200 хуж/мкл >	96 – (26,89%)

78 нафар беморда (умумий танловни 21,85% да) CD4+ лимфоцитлари даражаси 200-350 хуж/мкл ни ташкил қилади, бу эса кучли иммунсупрессияни намойиш қилади. Бундай даражага эга бўлган беморларда инфекцион асоратлар, шу жумладан оппортунистик инфекцияларни юқори хавфи кузатилади. Бу каби беморларга касаллик жадаллашишини олдини олиш учун дарҳол даволаниш ва кучайтирилган терапия талаб этилади. Ва ниҳоят, 96 нафар беморда (умумий гуруҳдан 26,89% да) CD4+ лимфоцитлари ≤ 200 хуж/мкл даражаси бўлган, бу эса иммун фаолликнинг ва кучли иммунсупрессиянинг кескин паст даражасига мос келади. Бу даражага эга беморлар оғир инфекцияларни юқори хавфи бўлган гуруҳга мансуб бўладилар ва уларга агрессив антиретровирус терапияни, ҳамда асоратлар ривожланишини олдини олиш учун саломатлик ҳолатининг регуляр мониторинги талаб этилади.

Тақдим этилган маълумотлар ОИВ-1 беморлари орасида иммунсупрессиянинг турли туман даражалари ҳақида гувоҳлик қилади. Беморларни аксарияти CD4+ лимфоцитларни 200 хуж/мкл дан паст даражасига эга бўлганлар, бу эса даволашга ўз вақтида ва индивидуал ёндашуви заруратини кўрсатади, бунда тиббий ёрдам оптимизацияси ва касалликнинг кейинги жадаллашишини олдини олиш учун иммун тизимини заифлашиши даражаси инобатга олинади.

Текширувдаги беморларда ОИВ-1 инфекциясини клиник кечиши иммун тизими томонидан бузилишлар, ўткир ОИВ-инфекциясининг симптомларининг кучли намоён бўлиши билан ёндош бўлган, бунда касаллик турли этиология ва оғирликдаги иккиламчи касалликларнинг турли аломатлари ва ривожланиши билан кечади. Демак, тана вазнининг пасайиши,

ОИВ-инфекциясининг хос клиник аломатларидан бири бўлиб, у 14–25 ёшдаги 48% беморда, 80,8% - 25–35 ёшда, 78,57% - 35–60 ёш гуруҳида ва 54,5% - 60 ёшдан катта беморларда кузатилди. Тана вазнининг камайиши бузилган метаболик жараёнлар ва иммун гомеостазни акс эттиради.

Диарея синдроми 14–25 ёш гуруҳида – 40%, 72,6% - 25–35 ёш гуруҳида, 75% - 35–60 ёш гуруҳида 47,3% - 60 ёш гуруҳида кузатилди. Ушбу аломатнинг частотаси унинг вирусли ва иккиламчи бактериал флора томонидан овқат ҳазм қилиш трактининг шикастланиши билан боғлиқ бўлган ОИВ инфекциясининг клиник белгиси сифатида муҳимлигини кўрсатади.

Ёндош вирусли инфекция, хусусан, вирус гепатитлари, ёшга боғлиқ ҳолда турли частотада аниқланди. Демак, ВГС 14–25 ёш гуруҳида 12%, 42% - 25–35 ёш гуруҳида, 8% - 35–60 ёш гуруҳида ва 60 ёш гуруҳида - 6% ни ташкил қилган. ВГВ мос равишда, 14%, 24%, 4% ва 4% га тенг бўлган. ВГА 14-25 ёш гуруҳида – 2% беморда ташхисланган, ВГД – 25-35 ёш гуруҳида 4% беморда ва 36-60 ёш гуруҳида 2% беморда аниқланган. Гепатомегалия 14-25 ёш гуруҳида 22% беморда қайд этилган, 25-35 ёш – 42,4%, 35-60 ёш гуруҳида 32,1% ва 60 ёшдан катта гуруҳида 3,63% ни ташкил қилган. Жигар шикастланиши ОИВнинг бевосита таъсиридан ҳам, бирга келадиган вирусли инфекциялардан ҳам келиб чиқади.

ОИВ инфекция беморларида гематологик ўзгаришлар, анемия 14–25 ёш гуруҳида 16%, 20,5% - 25–35 ёш гуруҳида, 39,3% - 35–60 ёш гуруҳида ва 25,5% - 60 ёшдан катта беморлар гуруҳида бўлди. Мазкур синдром вируснинг суяк кумигига салбий таъсирга асосланган, бу эса гемопоэз жараёнларининг бузилишига олиб боради. Тромбоцитопения 14–25 ёш гуруҳида 4%, 4,1% — 25–35 ёш гуруҳида, 7,14% - 35–60 ёш гуруҳида ва 60 ёшдан катта беморлар гуруҳида -10,9% га тенг бўлди. Тромбоцитлар миқдори пасайиши қон ҳосил бўлиш функциясининг пасайиши ва зарарланишларни иммун ва аутоиммун механизмлари фаоллашиши билан боғлиқ бўлади.

ОИВ-энцефалопатия 14–25 ёш гуруҳида 11%да, 14,3% - 25–35 ёш гуруҳида, 16,07% - 35–60 ёш гуруҳида ва 60 ёшдан катта гуруҳида 16,3% га тенг бўлди. Мазкур ҳолатнинг ривожланиши вируснинг нейротоксик таъсири ҳамда антиретровирус терапиясининг ножўя таъсирлари билан боғлиқ бўлган.

Дилатацион кардиомиопатия 14–25 ёш гуруҳида – 12%, 13,6% - 25–35 ёш гуруҳида, 35–60 ёш гуруҳида қайд этилмади ва 60 ёшдан катта беморлар гуруҳида - 10,9% ни ташкил қилди. Кардиомиопатия ривожланиши, эҳтимол, ОИВ нинг миокардга бевосита таъсири билан, шунингдек, иккиламчи инфекциялар ва дори дармон терапиясини асоратларига асосланган.

Дерматозлар (тери ва шиллик қаватларга доғ-папулез, уртикар, петехиал тошмалар) 14–25 ёш гуруҳида 22% ида, 25–35 ёш гуруҳида 42%, 35–60 ёш гуруҳида 18% ва 60 ёшдан катта гуруҳида 14% беморда кузатилди. Дерматологик аломатлар иммун дисфункция ва оппортунистик инфекцияларга юқори сезувчанлигига асосланган.

Демак, турли ёшдаги беморларда ОИВ-инфекция клиник кечиши патологик ҳолатларни кенг спектри, шу жумладан анемия, тромбоцитопения, энцефалопатия, кардиомиопатия, диарея синдроми, иситма, қайталанувчи инфекциялар, ёндош вирусли гепатитлар, гепатомегалия, тана вазнининг камайиши ва дерматозлар билан ёндош кечиши мумкин. Кузатилаётган клиник аломатлар ўз вақтида ташхислаш ва комплекс терапевтик ёндашувни талаб қилувчи иммун етишмовчилиги ва ҳаёт учун муҳим аъзолар ва тизимлар функцияларининг бузилиши даражасини акс эттиради.

Кейинги ўринда, тадқиқот давомида биз томонимиздан ОИВ-инфекцияси оқибатида ва касаллик босқичига боғлиқ ҳолда ногирон деб топилган беморлар сони бўйича таҳлил ўтказилди. Олинган маълумотларга мувофиқ, инвалидизация асосан ОИВ-инфекциясининг сўнгги босқичларида қайд этилган. I–III-босқичларда ногиронлик расмийлаштирган беморлар сони минимал бўлган ёки умуман қайд этилмаган, бу эса касалликни мазкур босқичларида компенсация босқичида кечишига ишора қилади (жадв.4).

Жадвал 4

ОИВ-инфекция оқибатида ногиронлик

Касаллик босқичи	Беморларни умумий сони	Ногиронлар сони	Гуруҳда ногиронлик %
I босқич	38	0	0%
II босқич	46	1	2,17%
III босқич	133	12	9,02%
IV босқич	140	65	46,43%
Жами	357	78	21,84%

Ногиронлик қайд этилишининг энг юқори частотаси касалликнинг IV босқичидаги беморларда қайд этилган, бу иммун етишмовчилигини юқори даражаси, кўпсонли аъзо зарарланишлари ва муқим функционал бузилишлар ривожланиши билан асосланган.

Шундай қилиб, олинган натижалар ОИВ инфекциясида ногиронлик касалликнинг босқичига ва иммунитетнинг заифлашув даражасига аниқ боғлиқлигини тасдиқлайди. Касалликнинг дастлабки босқичларида ногиронлар сони минимал, IV босқичда ногирон деб тан олинган беморларнинг сони деярли ярмига етади, бу клиник кўринишларнинг оғирлиги, кўплаб органларнинг шикастланиши ва ҳаётий функцияларнинг жиддий бузилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ОИВ инфекцияси билан касалланган шахсларни ногиронликни аниқлаш, шу жумладан, касбий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида текширувдан ўтказиш билан боғлиқ масалалар етарли даражада тизимлаштирилмаганлиги ва етарлича баҳоланмаганлигини таъкидлаш лозим.

Бундай шароитда ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларни тиббий ва психологик-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича босқичма-босқич, комплекс ва индивидуал ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Беморларни узлуксиз даволашда реабилитация тадбирларини киритиш патологик жараёнларнинг ривожланишини секинлаштиради, функционал фаоллик ва

ижтимоий мослашувни сақлаб қолади ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади. Нафақат клиник даволанишга, балки беморларнинг меҳнат ва кундалик салоҳиятини тиклашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ОИВ инфекцияси оқибатларига қарши курашиш бўйича замонавий стратегиянинг ажралмас қисмига айланиши керак.

Диссертациянинг «ОИВ-инфекцияси ривожланишига таъсир кўрсатувчи молекуляр-генетик механизмлар» деб номланган тўртинчи бобида генетик омилларни касаллик жадаллашиши билан уйғунлигини таҳлил қилиш натижалари тасвирланган. HLA-DRA гени полиморфизмини ОИВ-инфекцияланган шахсларда ўрганиш ўзига хос қизиқишни намоён қилади, негаки ОИВ-инфекциянинг ривожланиши иммун тизимини Т-лимфоцитлар ва Т-хелпер хужайралари фаоллашиши билан бевосита боғлиқ.

Жадвал 5

Ўзбек миллатига мансуб соғлом шахслар ва ОИВ-инфекцияланган беморларда HLA-DRA (rs8084) гени аллеллари ва генотиплари частотасининг тақсимланиши

Аллель/ Генотип	ОИВ- инфекцияланган беморлар n=63	Назорат n=83	χ^2	RR (95%CI)
C	97-76,98%	160-96,38%	25.558 (p=0,001)	0.05 >0.125> 0.313
T	29-23,01%	6-3,61%		3.195 >7.973>19.896
C/C	45-71,3%	77-93,3%	11.877 (p=0.000568)	0.072 >0.195>0.527
C/T	7-11,4%	6-6,6%	0.665 (p=0.414634)	0.511 >1.604> 5.033
T/T	11-17,3%	0-0%	15.673 (p=0.001)	2.11 >36.58 > 633.95

5-жадвалда ўзбек миллатига мансуб ОИВ – инфекцияланган беморлар ва соғлом шахслар орасида HLA-DRA (rs8084) аллеллари ва гени генотиплари частотаси тақсимланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Таҳлил кўрсатишича, C аллели ОИВ беморларида назорат гуруҳига (96,38%) нисбатан кам учрайди (76,98%). Фарқланиш статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади ($\chi^2=25,558$; $p<0,001$), бироқ хавфлар нисбатини бирлиги (RR=0,125; 95%CI: 0,05–0,313) бу аллелни суст ҳимоявий таъсирга ишора қилади. Шу вақтни ўзида T аллели ОИВ беморларида соғлом шахсларга нисбатан (3,61%) сезиларли кўп учраган (23,01%). Статистик аҳамияти RR = 3,195 (95% CI: 7,973–19,896) ни юқори кўрсаткичлари билан тасдиқланади, бу мазкур генотипнинг инфекцияланиш хавфи билан кучли алоқасини исботлайди.

Генотиплар аниқ комбинацияларининг таҳлилида C/C частотаси ОИВ-инфекцияланган беморлар гуруҳи (71,3%) билан солиштиришда назорат гуруҳида (93,3%) кескин юқори экани аниқланган ($\chi^2=11,877$; $p=0,000568$), бу унинг эҳтимолий ҳимоявий ўрнига ишора қилади. T/T генотиби, аксинча,

беморлар орасида кўпроқ учраган ва назорат гуруҳида эса кам учраган, бу сезиларли статистик кўрсаткичлар ($\chi^2=15,673$; $p=0,001$) ва $RR=36,58$ (95%CI: 2,11–633,95), юқори кўрсаткичи билан тасдиқланади, бу эса ОИВ-инфекциясининг ривожланиши билан эҳтимолий боғлиқлиги хақида дарак беради.

Шу тариқа, олинган маълумотларга кўра, HLA-DRA rs8084 ген полиморфизмини ОИВ-инфекциясига сезувчанлиги билан ўзаро эҳтимолий алоқаси тасдиқланади. Айниқса, Т/Т генотипини касалликнинг юқори хавфи билан аниқланган ассоциацияси аҳамиятли ҳисобланади, бу унинг патогенезда потенциал ўрнини ва иммун жавоби механизмларини аниқлаштириш ва ОИВ профилактикаси ва даволашга шахсга йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун кейинги тадқиқотлар аҳамиятини белгилаб ўтади.

Ўтказилган тадқиқотда ОИВ-инфекцияси беморларида HLA-DRA rs8084 генотипига боғлиқ CD4 қиймати таҳлил қилинди. Олинган натижалар (жадв. 6) кўрсатишича, HLA-DRA гени генетик полиморфизми инфекцияланган шахсларда CD4% нисбатига кучли таъсир кўрсатади.

Жадвал 6

ОИВ-инфекцияси босқичига боғлиқ ҳолда CD4% нисбатини HLA-DRA полиморфизми билан ўзаро алоқадорлиги

Генотиплар HLA-DRA n=63	Ёш	ОИВ босқичи	CD4% ОИВ-инфекцияланганлар n=143	CD4% назорат гуруҳи n=83	p
C/C n=45	18-65	I-IV	17,4±2,4**	34,8±0,21	p≤0,01
C/ T n=7	14-65	II-IV	16,5±3,2**	31,7±0,18	p≤0,01
T/T n=11	18-59	II-III	14,8±2,1**	-	p≤0,01

Изоҳ: назорат гуруҳи ва ўрганилаётган гуруҳларга қиёслашда **p≤0,01

C/C гомозигот генотипи ташувчиларида CD4% ўртача қиймати 17,4±2,4% ни ташкил қилди, бу худди шу гуруҳнинг соғлом шахслари (34,8±0,21%) кўрсаткичларидан сезиларли паст бўлди ва потенциал “ҳимоя” генотипи бўлса ҳам, ОИВ-инфекциясини иммун мақомга таъсирига ишора қилади. C/T гетерозигот ташувчилари назорат гуруҳига қиёслаганда (31,7±0,18%) касалликни II–IV босқичларида CD4% (16,5±3,2%) ни яна ҳам паст кўрсаткичлари намоён бўлган, бу ҳам статистик аҳамиятли бўлди (p≤0,01). Т/Т генотипи алоҳида эътиборга лойиқ, у фақат ОИВ-инфекцияланган беморларда аниқланган. Бу беморларда CD4% ўрта қиймати 14,8±2,1% ни ташкил қилди, бу бошқа генотиплар билан солиштиришда, айниқса, касалликнинг илғорлаган босқичларида иммун ҳимоясининг энг кичик даражасини намоён қилади.

Тадқиқот натижалари ОИВ-беморларида HLA-DRA rs8084 полиморфизми ва CD4% нисбати орасидаги яққол ўзаро алоқадорликнинг борлигини тасдиқлайди. C/C генотипи C/T ва T/T генотипларига қараганда, CD4% ни нисбатан юқорироқ нисбати билан уйғун келади, бунда касалликни жадаллашишидаги унинг ҳимоявий ўрнини тахмин қилиш мумкин. Аксинча, Т/Т ташувчилари CD4% нинг минимал нисбати билан намоён бўлади, бу эса ОИВ-инфекциясига юқори сезувчанлиги ва оғир клиник кечишига ишора қилади.

Мазкур хулосалар ОИВ-инфекцияланган беморларни иммун мақомини баҳолашда генетик омилларни инобатга олиш аҳамиятини кўрсатиб ўтади ва HLA-DRA полиморфизмини касаллик кечишини башоратлаш ва индивидуал терапевтик стратегия танлашда қўшимча мезон сифатида қўлланилишининг истиқболлини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Интерферон-стимулланган генлар MX2, IFNM1, ADAR1 орқали ОИВ ингибирланишини регуляциялаш» деб номланган бешинчи бобида одам иммунтанқислиги вирусини репликациясини табиий чеклаш асосида ётган молекуляр механизмларни ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқот марказида MX2, IFNM1 ва ADAR1 генлари бўлиб, улар интерферон билан фаоллашадиган вирусга қарши иммун жавобда етакчи ўринни эгаллайди.

Жадвал 7

ОИВ-инфекцияланган шахсларда MX2, IFNM1, ADAR1 генлари экспрессияси натижалари

Генлар	Генлар нусхалари миқдори	GUSB генлари нусхалари миқдори	Ген экспрессия кўрсаткичлари	GUSB га нисбатан экспрессия нисбати
MX2				
Назорат гуруҳи n=87	60,1±12,3	165,8±7,4**	0,36	1,9
ОИВ-инфекцияланганлар n=157	113,8±8,6	165,8±7,4	0,68	
IFNM1				
Назорат гуруҳи n=87	489±11,5	1841,3±8,7**	0,3	2,5
ОИВ-инфекцияланганлар n=157	1391±18,2	1841,3±8,7	0,73	
ADAR1				
Назорат гуруҳи n=87	28861±15,7	46657±11,3**	0,618	1,59
ОИВ-инфекцияланганлар n=157	45770,78±17,8	46657±11,3	0,98	

*Изоҳ: таққосланаётган гуруҳга нисбатан ** $p \leq 0,001$*

7-жадвал маълумотларига мувофиқ, ОИВ-1 инфекцияси беморларида назорат гуруҳига нисбатан уччала текширилаётган генларни экспрессияси даражасини сезиларли ошиши аниқланган. Бунда, ОИВ-инфекцияланган шахсларда MX2 гени нусхаларининг миқдори 113,8±8,6ни ташкил қилади, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 60,1±12,3 ни ташкил қилган, бу экспрессиянинг ишончли ортиши ҳақида гувоҳлик қилади ($p \leq 0,001$). GUSB назорат генига нисбатан экспрессиясини нисбий даражаси ҳам назорат гуруҳига нисбатан (0,36) ОИВ-инфекцияланган шахсларда ўсиш – 0,68 ни

намоён қилди. Бу маълумотлар MX2 генини фаоллашишига ишора қилади, бу эса вирус репликациясини чеклашдаги унинг ўрнини тасдиқлайди, негаки MX2 оқсили ОИВ нуклеокапсид билан ўзаро таъсирланиб, хужайра ядросига етказилишига тўсқинлик қилади.

IFNM1 гени экспрессияси кўрсаткичлари ҳам ОИВ-инфекцияланган беморларда кескин ошишини намоён қилди: назорат гуруҳини $489 \pm 11,5$ га қарши $1391 \pm 18,2$ ($p \leq 0,001$). GUSBга нисбатан экспрессия даражаси беморлар гуруҳида 0,73 ни ташкил қилади, бу назорат гуруҳига нисбатан сезиларли юқори (0,3). Бу каби ўзгаришлар интерферон-асосланган йўллари фаоллашишидан дарак беради, негаки IFNM1 антивирус ҳимоя механизмларини ва бошқа интерферон-стимулловчи генлар фаоллигини ишга туширишда етакчи ўринни эгаллайдиган интерферон- α ни кодлайди.

ОИВ-1 инфекцияси мавжуд беморларда ҳам ADAR1 гени экспрессияси сезиларли юқори бўлди: нусхалар миқдори $45770,78 \pm 17,8$ ни, назорат гуруҳида $28861 \pm 15,7$ ташкил қилди ($p \leq 0,001$). GUSB га нисбатан экспрессиясини нисбий даражаси назорат гуруҳидаги 0,618 дан ОИВ-инфекцияланган беморларни 0,98 гача ошган. ADAR1 генини посттранскрипцион регуляциясига, хусусан, РНК редакцияси жараёнига жалб этилишига ишора қилади, бу вирус юкланмасида вирус ва хужайравий РНК стабилизациясига ёрдам беради ва ОИВ репликациясини чеклаши мумкин.

Олинган натижалар тасдиқлашча, интерферон йўллари фаоллашиши, шу жумладан MX2, IFNM1 ва ADAR1 генларининг кучли экспрессияси ҳам организмнинг ОИВ-1-инфекциясига туғма иммун жавобининг муҳим бўғини ҳисобланади. MX2 ва IFNM1 экспрессиясининг аниқланган ошиши айниқса аҳамиятли бўлади, бу уларнинг бирламчи вирусга қарши жавобида ва вирус репликациясини чеклашда етакчи ўрнини тасдиқлайди. Бошқа икки генга нисбатан, кичикроқ ҳиссаси борлигига қарамай, ADAR1 ошган экспрессияси ҳам вирус инфекциясига хужайравий жавоб стабилизациясидаги унинг иштирокини тасдиқлайди.

Шу тариқа, тадқиқот натижалари ОИВ дан иммун ҳимоясидаги етакчи элементи бўлган интерферон-асосланган механизмларни аҳамиятини белгилайди. Олинган маълумотлар эндоген ҳимоя йўллари фаоллаштиришга қаратилган терапевтик ёндашувларни излашда янги истиқболларни очади, бу эса истиқболда даволаш самарадорлигини ошириши ва ОИВ-инфекцияси бўлган беморларда клиник натижаларни яхшилаши мумкин.

Антиретровирус терапия самарадорлиги ва организмнинг вирусга қарши жавобни хусусиятларини баҳолаш мақсадида биз томонимиздан ОИВ-1 инфекцияланган беморларда касаллик босқичи ва антиретровирус терапия (АРТ) схемасига боғлиқ ҳолда, интерферон-стимулланган генлар MX2, IFNM1 ва ADAR1 экспрессиясини баҳолаш ўтказилди.

Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган. Мазкур генлар экспрессияси GUSB назорат генига нисбий бирликларда ҳисобланган.

Жадвал 8

Касаллик босқичига ва АРТ схемасига боғлиқ ҳолда, ОИВ-1-инфекцияланган беморларда MX2, IFNM1 ва ADAR1 генлари экспрессияси

Касаллик босқичи	АРТ схемаси	CD4% (к/л/мкл)	MX2	IFNM1	ADAR1
I босқич	TDF + 3TC (или FTC) + DTG	~500	1,9	4,5	2,9
II босқич	TDF + 3TC (или FTC) + DTG	350-500	2,1	3,7	2,6
II босқич	AZT + 3TC или TDF + 3TC (или FTC)	350-500	1,6	2,7	2,1
III босқич	AZT + 3TC + DTG	200-350	0,98	1,1	0,4
III босқич	TDF + 3TC (или FTC) + DTG	200-350	1,2	0,5	0,2
IV босқич	TDF + 3TC + DTG	≤200	0,98	1,1	0,4

Изоҳ: TDF — тенофовир; 3TC — ламивудин; FTC — эмтрицитабин; AZT — зидовудин; DTG — долутегравир. MX2, IFNM1 ва ADAR1 генлари экспрессияси кўрсаткичлари GUSB (β -глюкуронидаза) назорат гени экспрессиясига нисбатан мосланган нисбий бирликларда келтирилган. Маълумотлар беморларни ҳар бир гуруҳи учун касалликни турли босқичларида антиретровирус терапияни схемаларига боғлиқ ҳолда экспрессиянинг ўртача нисбатини акс эттиради.

Жадвалда касалликнинг турли босқичларида антиретровирус терапияни турли схемаларини олаётган ОИВ-1 инфекцияси мавжуд беморларда MX2, IFNM1 ва ADAR1 генлари экспрессияси тадқиқотининг натижалари тақдим этилган. Бу генлар антивирус механизмлари ва организм иммун жавоби фаоллигини баҳолаш учун танлаб олинган, негаки улар вирус инфекцияси га қарши курашда етакчи ўринни эгаллайди.

Касалликнинг I босқичида АРТ TDF + 3TC (ёки FTC) + DTG, (CD4+ 500 хуж/мкл дан кўп) схемасини олаётган беморларда MX2 экспрессияси 1,9 ни ташкил қилган, бу эса бу геннинг юқори фаоллигини ва вирус репликациясини самарали бостиришга ишора қилади. Мазкур гуруҳда IFNM1 экспрессияси 4,5 даражасида бўлган, бу эса барча генлар орасида максимал кўрсаткич бўлган ва кучли антивирус иммун жавоби ҳақида гувоҳлик қилган. ADAR1 экспрессияси 2,9 ни ташкил қилган, бу ҳам РНК редакцияси механизмининг фаоллашиши ва инфекциядан ҳужайравий ҳимояни қувватлашни тасдиқлайди.

Касалликни II босқичида (CD4+ 350дан 500гача хуж/мкл) у ёки бу терапияни қўллашда TDF + 3TC (ёки FTC) + DTG MX2 экспрессияси 2,1 гача бироз ошган, бу ҳам самарали антивирус фаолликни давом этаётганини кўрсатади. IFNM1 экспрессияси 3,7 нисбатида қайд этилди, бу антивирус механизми фаоллигини тасдиқлайди. ADAR1 экспрессияси 2,6 ни ташкил қилди, бу эса ҳужайраларни вирус репликациясидан ҳимоялашда бу геннинг фаол иштирокини намоён этади.

АРТ иккинчи қаторини олаётган беморлар гуруҳида (AZT + 3TC ёки TDF + 3TC (ёки FTC)), CD4+ 350 дан 500 гача хуж/мкл даражасида MX2 экспрессияси 1,6 ни ташкил қилди, бу терапияни биринчи схемасида бироз пастрок, лекин

хануз антивирус жавоби борлигига ишора қилади. IFNM1 экспрессияси бу гуруҳда 2,7 ни ташкил қилди, бу терапияни биринчи схемаси билан таққослашда пастроқ бўлса ҳам, иммун механизмларининг фаоллигини тасдиқлайди. ADAR1 экспрессияси 2,1 га тенг бўлган, бу эса бу геннинг етарлича яхши фаоллигини кўрсатади.

AZT + 3TC + DTG схемасини олаётган беморларда касалликни III босқичида (CD4+ 200 дан 350 гача хуж/мкл) MX2 экспрессияси 0,98 ни ташкил қилди, бу аввалги босқичларга нисбатан пастроқ кўрсаткич бўлган. Бу кўрсаткич касалликни жадаллашиши шароитларида антивирус механизмларнинг фаоллиги пасайишидан дарак беради. IFNM1 экспрессияси 1,1 га тенг бўлган, бу ҳам паст кўрсаткич ҳисобланади ва иммун жавобининг заифлашишини кўрсатади. ADAR1 экспрессияси 0,4 га тенг бўлган, бунда заифлашган иммун жавоби шароитларида мазкур ген фаоллиги сусайганини билдиради.

TDF + 3TC (ёки FTC) + DTG схемасини қўллашда III босқичда MX2 экспрессияси 1,2 гача ошди, бу антивирус фаоллиги яхшиланганига ишора қилсада, эрта босқичларга нисбатан паст бўлиб қолган. IFNM1 экспрессияси бу гуруҳда 0,5 ни ташкил қилган, бу эса паст кўрсаткич ҳисобланади, ADAR1 эса 0,2 ни ташкил қилиб, барча даволаш схемалари орасида энг паст кўрсаткич бўлган, бу кўрсаткич вирус РНК редакцияси сустлашганини ва антивирус фаоллигининг пасайганини тасдиқлайди.

Касалликнинг IV босқичида (CD4+ 200 хуж/мкл дан кам) касалликнинг жадаллашиши ва ОИТС ривожланиши кузатилади, барча ўрганилаётган генларнинг экспрессияси минимал даражада бўлган: MX2 — 0,98, IFNM1 — 1,1, ADAR1 — 0,4, бунда иммун тизими сустлашиши ва антивирус механизмларининг паст фаоллиги тасдиқланади.

Шу тариқа, MX2 АРТ самарадорлигини баҳолаш учун энг сезувчан ген ҳисобланади, чунки MX2 экспрессияси касаллик босқичи ва терапия схемасига энг катта боғлиқликни кўрсатган, мазкур ген антивирус фаоллигини сезувчан маркери сифатида қўллаш учун тавсия қилиниши мумкин. Унинг экспрессиясини юқори даражалари касалликни эрта босқичларида (1 ва 2) организмни юқори самарадор антивирус реакцияси ҳақида гувоҳлик қилади, бу орада кечки босқичларда экспрессиянинг пасайиши терапевтик ёндашувни қайта кўриб чиқиш заруратига ишора қилади.

Диссертациянинг «**ОИВ-инфекцияда реабилитацион дастур ишланмасининг молекуляр-генетик ва иммунологик асослари**» деб номланган олтинчи бобида молекуляр маркерлар, генетик мойиллик таҳлили ва беморларни иммунологик мақоми асосида шахсга йўналтирилган иммунореабилитацияга замонавий ёндашувлар келтирилган. Касалликларни босқичи, иммуносупрессия намоён бўлиши ва ёндош оппортунистик ва соматик аломатларга боғлиқ ҳолда, иммунотуляторларни турли гуруҳларида қўллаш орқали беморларни стратификациясига урғу берилган.

ОИВ-инфекцияланган беморларнинг реабилитацияси функционал бузилишларни бартараф қилиш ҳамда бузилган иммун жавобининг коррекциясини ҳам талаб қилади. Мазкур тадқиқот давомида интерферон-стимуланган генларни (ИСГ) - MX2, IFNM1, ADAR1 ни кучли экспрессияси

хақидаги, ҳамда HLA-DRA (rs8084) полиморфизми билан боғлиқ бўлган генетик мойиллик ҳақидаги олинган маълумотлар ОИВ-инфекциянинг турли босқичларига мослашган иммун реабилитацияни илмий асосланган стратегиясини шакллантиришга ёрдам беради.

ОИВ-инфекцияланган беморларнинг реабилитацияси иммун мақомнинг, шу жумладан, CD4+ лимфоцитлар даражаси, вирус юкланмаси, интерферон-стимулланган генлар MX2, IFNМ1, ADAR1 экспрессияси, ҳамда HLA-DRA (rs8084) полиморфизми каби генетик маркерларни комплекс баҳолашига таяниши зарур. Мазкур параметрлар беморларни касаллик жадаллашиши хавфининг даражаси иккиламчи инфекцион ва соматик асоратлар юзага келиши бўйича стратификациялаш, ҳамда иммунотерапияни индивидуал мойилликка хос равишда коррекциялаш имконини беради.

HLA-DRA генетик полиморфизми МНС II синфи антигени экспрессиясига таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида, вирус эпитоплари тақдимоти ва Т-хелперлар фаоллигини назорат қилади. Т/Т генотиби кучли иммунсупрессияси ва CD4+ лимфоцитлари даражаси пасайиши билан боғланган, бу иккиламчи касалликлари, шу жумладан, пневмоцистли зотилжам, токсоплазмоз, цитомегаловирус инфекцияси, Капоши саркомаси, ҳамда соматик ҳолатлар – ОИВ-ассоциацияланган энцефалопатия, ОИВ-индукцияли миокардит, остеопороз, буйрақлар сурункали касаллиги ва когнитив бузилишларнинг ривожланиши хавфини оширади.

Жадвал 9

ОИВ турли босқичларида иммунологик фон ва иккиламчи касалликлар

ОИВ босқичи	Асосий иккиламчи ҳолатлар	Иммун профилъ
I–II	Оғиз бўшлиғи кандидози, герпетик инфекциялар, ЎРВИ; гипертензияни бошланғич шакллари, астеновегетатив синдром	CD4+ > 500, IFN- α/β ↑, ИСГ енгил экспрессияси
III	Диарея синдроми, сил, вирус гепатитлар, токсоплазмоз; анемия, сурункали пиелонефрит, липид алмашинув бузилиши	CD4+ 200–350, IFN-I↑, ADAR1↑, яллиғланиш
IV	Пневмоцист пневмония, энцефалопатия, Капоши саркомаси; миокардит, остеопороз, ОИВ-нефропатия, деменция, жигар етишмовчилиги	CD4+ < 200, IFN-персистенция, иммун заифлашиш

ОИВ-инфекцияланган беморларда иккиламчи касалликлар айниқса касалликнинг чуқур босқичларида клиник манзаранинг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларнинг юзага келиши иммун тизимининг заифлашиши ва юқори вирус юкланмасига асосланган бўлади, бу эса латент инфекциялар фаоллашиши ва янги патологик жараёнларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Оппортунистик инфекциялардан ташқари, ОИВ-ассоциацияланган соматик патологиялар, хусусан, юрак-томир касалликлари (атеросклероз, миокардит); нефропатиялар (ОИВ-ассоциацияланган нефропатия, гломерулонефрит); гепатобилиар зарарланишлар (шу жумладан, гепатит В ва С вируслари коинфекцияси);

метаболик бузилишлар (инсулинорезистентлик, липодистрофия); суяк касалликлари (остеопения, остеопороз); нейрокогнитив бузилишлар (нейроОИТС, энцефалопатия) ҳолатлари ҳам кузатилади. Юқоридаги ҳолатлар замонавий адабиётлар маълумотларига тўғри келади.

III ва IV босқичларда комбинацияли даволаш, метаболик коррекция ва иимунреабилитацияни талаб қилувчи оғир оппортунистик инфекцияларнинг ва соматик асоратларнинг частотаси ортади.

Иммунмодуловчи воситалар ОИВ-инфекцияда комплекс терапиянинг муҳим компоненти ҳисобланади, айниқса антиретровирус терапия фониди. Уларнинг кучли иммонсупрессия, прояллиғланиш цитокинлари ва CD4+ лимфоцитлари озайишида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

Интерферонларнинг қўлланилиши антивирус таъсирга эга бўлган (айниқса IFN- α ва IFN- β) ИСГ, шу жумладан MX2 ва IFNM1 индукциясига сабаб бўлади. Вирус репликациясининг эрта босқичларини бузиб, MX2 ОИВ нуклеокапсидини хужайра ядросига етказилишига тўсқинлик қилади.

Бошқа томондан, ADAR1 ҳаддан зиёд экспрессияси туғма иимун жавобининг сусайиши ва ОИВ-1 репликациясининг ортишига олиб келади, шу сабаб, айниқса касалликнинг кечки босқичларида унинг модуляцияси эҳтиёткор бўлиши зарур.

ОИВ-инфекциянинг турли босқичларида иммунологик кўмак қуйидагиларни жамлаган бўлиши керак: CD4+ лимфоцитлари нисбати, вирус юкланмаси, ИСГ экспрессияси, HLA-DRA генотиби.

Эрта босқичларда (1-2) беморлар CD4+ лимфоцитлари ва енгил вирус юкланмасини нисбий сақланишини намоён қиладилар. Асосий вазифа туғма иимун жавобининг IFN-индукцияли воситалар ёрдамида енгил стимуляцияси ҳисобланади.

Жадвал 10

ОИВ-инфекциясининг I–II босқичларида иимунореабилитацион тактикаси

Дори воситалари гуруҳи	Дори воситалари намуналари	Таъсир механизми
α ва β интерферонлари	Реаферон-ЕС, Интрон-А	MX2, IFNM1 индукцияси, антивирус таъсир
ТФ асосида иимунмодуляторлари	Трансфер-фактор, Имудон	Th1-жавобини ортиши, Т-хужайраларини фаоллашиши
TLR-агонистлар (TLR-7, TLR-9)	Имунофан, Азоксимера бромид	PRR орқали IFN-I маҳсулининг стимуляцияси
Нуклеотид аналоглари	Тилорон (Амиксин)	IFN-жавобининг индукцияси, носпецифик фаоллашув

Касалликнинг яна ҳам кеч босқичларида (3-4) кучли иммонсупрессия, CD4+ даражаси < 200 кл/мкл, юқори вирус юкланмаси кузатилади. Бу ерда гуморал, цитокин ва метаболик кўмакли воситалар зарурдир.

HLA-DRA rs8084 Т/Т генотиби, аввалги бобларда кўрсатилгани каби, ОИВ-инфекциянинг оғирроқ кечиши ва CD4+ лимфоцитларнинг паст даражаси билан уйғун келади. Мазкур генотип ташувчилари учун таъсири

енгил ва йўналган бўлиши муҳим, негаки бундай таъсир CD4+ хужайраларнинг IFN-йўларни стимуляциясига муҳтож бўлмай тикланишига ёрдам беради.

Жадвал 11

ОИВ-инфекциянинг III–IV босқичларида иммунореабилитацион тактикаси

Дори воситалари гуруҳи	Дори воситалари намуналари	Таъсир механизми
Поликлонал иммуноглобулинлар	Пентаглобин, Иммуноглобулин	гуморал иммунитет кўмаги, циркуляция қилувчи вируслар нейтрализацияси
Цитокинлар (ИЛ-2, ИЛ-7)	Пролейкин (ИЛ-2)	CD4+ лимфоцитлар пролиферациясининг стимуляцияси
Инозин маҳсуллари	Изопринозин	Вирусга қарши ва иммуностимуловчи таъсир
Адаптогенлар ва ўсимлик иммуномодуляторлари	Элеутерококк, Левзея	Носпецифик резистентликни мустаҳкамлаш
Антиоксидантлар ва метаболик корректорлар	Милдронат, Элькар	Митохондриал функция ва хужайра гомеостазига кўмак

Шу тариқа, ОИВ-инфекциясида шахсга йўналтирилган реабилитацион дастурни шакллантириш куйидагиларни талаб қилади: беморларни касаллик босқичлари бўйича стратификациялаш; CD4+ нисбати ва вирус юкланмасини ҳисобга олиш; генетик маркерларни аниқлаш (HLA-DRA rs8084); етакчи ИСГ экспрессиясини таҳлил қилиш (MX2, IFNM1, ADAR1). Иммуномодуляторларни танлашнинг таклиф этилаётган тизими даволаш самарадорлигини ошириши, инвалидизация хавфини пасайтириши ва ОИВ-инфекцияланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши мумкин.

ХУЛОСА

«ОИВ инфекциясида иммунитет фаоллаштириш молекуляр механизмларини ҳисобга олган ҳолда даволаш-профилактика чора тадбирларининг реабилитация дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари юзасидан ўтказилган таҳлил сезиларли иммуносупрессияни аниқлади: текширилганларнинг 28,5 фоизиди CD4+ лимфоцитлар даражаси 500 хужайра/мкл дан, 26,89 фоизиди 200 хужайра/мл дан кам бўлган. Беморларнинг 66% дан ортиғи 10 000 нусха/мл дан юқори вирусли юкга эга бўлиб, бу вируснинг фаол репликациясини ва антиретровирус терапияни ўз вақтида қўллаш зарурлигини кўрсатади. ОИВ инфекциясининг IV босқичида ногиронлик даражаси 46,43% га етди, I босқичда эса у йўқ эди, бу иммунитет танқислигининг оғирлиги ва функционал фаолликни йўқотиш даражаси ўртасидаги бевосита боғлиқликни таъкидлайди. Олинган маълумотлар, айниқса, касалликнинг кечги босқичларида комплекс реабилитация тадбирларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

2. HLA-DRA ген полиморфизми (rs8084) ва ОИВ инфекциясининг ривожланиши ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланди: T аллели ва T/T генотиби ОИВ билан касалланган беморларда статистик жиҳатдан сезиларли даражада тез-тез учрайди (мос равишда 23,01% ва 17,3%), назорат гуруҳига нисбатан (3,61% ва 0%) инфекция хавфи юқори (RR=36,58; 95% CI: 2,11–633,95; p=0,001).

3. HLA-DRA (rs8084) генотиплари ва ОИВ-инфекциянинг турли клиник шакллари, иммунтанқислик даражаси (CD4+-хужайралари нисбати), ёшга доир хусусиятлари ва касаллик жадаллашиши темплари ўртасида корреляция аниқланган, бу эса полиморфизмининг беморларни олиб бориш индивидуализациясида прогностик аҳамиятини тасдиқлайди.

4. Илк бор интерферон-стимулланган генлар MX2, IFNM1 ва ADAR1нинг экспрессияси ўзбек миллатига мансуб аҳоли ўртасида ОИВ-инфекциянинг турли клиник шакллари бўлган беморларда кескин фарқланиши илмий асосланган, бу ҳолат иммун фаоллиги ва касаллик жадаллашиши даражасини акс эттиради ва ОИВ фонида иммун жавоб шаклланишида уларнинг ўрни борлигига гувоҳлик қилади.

5. Илк бор интерферон-стимулланган генлар (MX2, IFNM1 ва ADAR1) нинг экспрессияси ва HLA-DRA (rs8084) маълум генотиплари орасида ўзаро алоқадорлик аниқланди, бу уларни касаллик кечишини башоратлашда ва шахсга йўналтирилган терапияни танлашда потенциалга эга бўлган молекуляр-генетик маркерлар сифатида кўриб чиқиш имкониятини беради.

6. ОИВ инфекцияси учун шахсийлаштирилган реабилитация дастурини ишлаб чиқишда беморларнинг касаллик босқичи ва иммунитет ҳолати, наслий мойиллик (HLA-DRA rs8084) ва интерферон-стимулланган генлар MX2, IFNM1, ADAR1) экспрессиясини ҳисобга олган ҳолда табақаланишига асосланиши кераклиги аниқланди, бу эса иммуномодуляторлардан фойдаланишни оптималлаштириш, комплекс даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАДИРОВ ЖОНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА РЕАБИЛИТАЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ ЛЕЧЕБНО-
ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ ПРИ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ С
УЧЕТОМ МОЛЕКУЛЯРНЫХ МЕХАНИЗМОВ ИММУННОЙ
АКТИВАЦИИ**

14.00.12 – Медицинская реабилитология

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд–2025

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2025.1.DSc/Tib.747

Диссертация доктора наук (DSc) выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.sammu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Ризаев Жасур Алимджанович
доктор медицинских наук, профессор

Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рахимова Дилором Алимовна
доктор медицинских наук, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
доктор биологических наук, профессор

Эсауленко Елена Владимировна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Таджикский государственный медицинский университет им. Абуали ибни Сино

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 г. в «_____» час. на заседании Научного совета DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 при Самаркандском государственном медицинском университете (Адрес: 140100, г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18. Тел.: (+99866) 233–30–34; e-mail: sammu@sammu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за № _____), (Адрес: г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18. (+99866) 233–30–34; e-mail: sammu@sammu.uz).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2025 года).

Н.А. Ярмухамедова

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD), доцент

С.Э. Мамаражабов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. ВИЧ остается одной из основных проблем глобального общественного здравоохранения: в 2021 году примерно 38,4 миллионов человек жили с ВИЧ и 40,1 миллионов умерли во всем мире с начала эпидемии ВИЧ (Mahdavi, F., Shams, M., Sadrebazzaz, A., Shamsi, L., Omidian, M., Asghari, A.,... & Salemi, A. M. (2021). *Global prevalence and associated risk factors of diarrheagenic Giardia duodenalis in HIV/AIDS patients: A systematic review and meta-analysis. Microbial Pathogenesis, 160, 105202.*). Благодаря успехам в лечении люди с ВИЧ сейчас стареют и могут приблизиться к продолжительности жизни, аналогичной продолжительности жизни неинфицированного населения (Deeks, S. G., Lewin, S. R., & Havlir, D. V. (2013). *The end of AIDS: HIV infection as a chronic disease. The lancet, 382(9903), 1525-1533.*). Несмотря на улучшение показателей выживаемости, люди с ВИЧ живут с рядом физических, когнитивных, психических и социальных проблем со здоровьем, связанных с ВИЧ, сопутствующими заболеваниями и старением (Willard, S., Holzemer, W. L., Wantland, D. J., Cuccia, Y. P., Kirksey, K. M., Portillo, C. J.,... & Lindgren, T. (2009). *Does "asymptomatic" mean without symptoms for those living with HIV infection?. AIDS care, 21(3), 322-328.*).

Реабилитация в контексте ВИЧ определяется как динамический процесс, включающий любые профилактические и/или лечебные мероприятия и услуги, которые направлены на устранение нарушений организма, ограничений активности и ограничений социального участия для отдельного человека (Worthington, C., Myers, T., O'Brien, K., Nixon, S., & Cockerill, R. (2005). *Rehabilitation in HIV/AIDS: development of an expanded conceptual framework. AIDS Patient Care & STDs, 19(4), 258-271.*). Однако реабилитация в контексте ВИЧ все еще находится на стадии развития. Немногие специалисты по реабилитации работают в сфере ухода за ВИЧ. Современные исследования подтверждают, что 61% опрошенных специалистов по реабилитации никогда сознательно не работали с людьми, живущими с ВИЧ, и лишь немногие специалисты по ВИЧ направляют своих пациентов на реабилитацию (Worthington, C., O'Brien, K., Myers, T., Nixon, S., & Cockerill, R. (2009). *Expanding the lens of HIV services provision in Canada: results of a national survey of HIV health professionals. AIDS care, 21(11), 1371-1380.*). Людям, живущим с ВИЧ, часто приходится прибегать к дополнительным и альтернативным лекарствам и методам лечения или к услугам общественных организаций для решения своих проблем со здоровьем (Agnolotto, V., Chiaffarino, F., Nasta, P., Rossi, R., & Parazzini, F. (2006). *Use of complementary and alternative medicine in HIV-infected subjects. Complementary therapies in medicine, 14(3), 193-199.*). Следовательно, необходимо больше исследований и доказательств для поддержки и руководства ролью реабилитации в клинической практике ВИЧ.

Недавние исследования показали, что при хронической инфекции устойчивая и чрезмерная активация врожденной иммунной системы, особенно системы интерферона I типа (IFN-I), играет пагубную роль в процессе заболевания, вызывая воспаление и иммуносупрессию (X. Dagenais-Lussier, H. Loucif, A. Murira, X. Laulhé, S. Stäger, A. Lamarre, J. van Grevenynghe, Sustained

IFN-I expression during established persistent viral infection: a “Bad Seed” for protective immunity, Viruses 10 (2017)) может способствовать прогрессированию ВИЧ-инфекции. IFN-I продуцируются в основном плазмоцитодными дендритными клетками (ДК). Плазмоцитодные ДК вырабатывают IFN-I после взаимодействия вирусных антигенов или эндогенных нуклеиновых кислот с паттерн-распознающими рецепторами (PRR) или толлподобными рецепторами (TLR), преимущественно 7-го или 9-го типов (Ank N, West H, Bartholdy C, et al. *Lambda interferon (IFN-λ), a type III IFN, is induced by viruses and IFNs and displays potent antiviral activity against select virus infections in vivo. J Virol. 2006 May;80(9):4501-9.*). ИСГ действуют на все ядродержащие клетки для подавления репликации вирусов, а также обладают иммуностимулирующими свойствами, в том числе связанными с индукцией созревания и активацией миелоидных ДК, поляризацией иммунного ответа по Th1-типу, активацией В-лимфоцитов, продукцией антител и переключением класса иммуноглобулинов (Green DS, Young HA, Valencia JC. *Current prospects of type II interferon γ signaling and autoimmunity. J Biol Chem. 2017 Aug 25;292(34):13925-33. doi: 10.1074/jbc.R116.774745. Epub 2017 Jun 26.*). Об активности IFN-I обычно судят по экспрессии ИФН-стимулированных генов (ИСГ). Роль ИСГ долгое время считалась противовирусной, ограничивая вирусы на нескольких этапах их жизненного цикла. Недавние исследования также показывают, что противовирусные и провирусные, а также про- и антиапоптотические ИСГ сосуществуют. Среди ИСГ, индуцируемых во время репликации ВИЧ-1, PKR (protein kinase R) останавливает синтез белка, но ВИЧ-1 эволюционировал с противодействующими механизмами, включая вирусный Tat белок и клеточные TRBP (белок, связывающий транскрибирующую РНК), ADAR1 (аденозин-дезаминаз, действующих на РНК) и PACT (активатор protein kinase R). Более того, недавние исследования выявили несколько ИСГ, которые усиливают продукцию и размножение ВИЧ-1. ADAR1 сверхэкспрессируется в клетках, продуцирующих ВИЧ-1, и впоследствии включается в вирионы. Он подавляет ответ IFN, маркируя вирусную РНК как собственную и ингибируя сенсорные пути, редактируя вирусную РНК и увеличивая репликацию вируса, а также ингибируя PKR. Следовательно, регуляция иммунитета может играть незаменимую роль в прогрессировании СПИДа, особенно в хронической фазе ВИЧ-инфекции.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-14 «О мерах по дальнейшему усилению системы противодействия заболеванию, вызываемому вирусом иммунодефицита человека» от 20 января 2023 года, № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем

дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2021 года и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Совершенствование медицинской реабилитации людей, живущих с ВИЧ, остаётся приоритетным направлением научных исследований на международном уровне. Эти усилия направлены на снижение уровня инвалидизации и смертности, а также на повышение продолжительности и качества жизни пациентов. Актуальность данной темы подтверждается данными исследований, проведённых в провинции Онтарио (Канада), согласно которым 34% людей с ВИЧ имеют по крайней мере одно сопутствующее соматическое заболевание, а 39% - психическое расстройство. Распространённость мультиморбидности - сочетания физических и психических заболеваний наряду с ВИЧ-инфекцией - составила 16% среди участников исследования и увеличивалась с возрастом (*Kendall C.E. et al., 2014*). Пожилые ВИЧ-инфицированные пациенты особенно уязвимы, поскольку, помимо медицинских проблем, сталкиваются с возрастной дискриминацией, социальной стигматизацией, ухудшением психоэмоционального состояния, финансовыми трудностями и недостаточной социальной поддержкой (*Valcour, V. et al., 2004*).

Несмотря на то что в последние годы в зарубежной научной литературе активно обсуждаются проблемы старения, мультиморбидности и ВИЧ, вопросы, связанные с инвалидностью и реабилитацией таких пациентов, по-прежнему остаются недостаточно изученными (*Roger K.S. et al., 2013*). Это создаёт потребность в формировании новых научных приоритетов, направленных на углублённое исследование механизмов инвалидизации, выявление барьеров к эффективной реабилитации и интеграции в общество, а также разработку клинических и организационных подходов к комплексному сопровождению данной категории пациентов.

Таким образом, в международной научной повестке всё более отчётливо обозначается необходимость междисциплинарных исследований, объединяющих аспекты ВИЧ, старения, мультиморбидности, психического здоровья и реабилитации, что представляет собой перспективное и социально значимое направление.

Степень изученности проблемы. Несмотря на значительный прогресс в борьбе с ВИЧ/СПИДом на глобальном уровне, данное заболевание по-прежнему остаётся одной из ключевых проблем здравоохранения. Наряду с вопросами диагностики и лечения, всё большую актуальность приобретают аспекты, связанные с инвалидизацией и необходимостью медицинской реабилитации людей, живущих с ВИЧ. Однако данные направления на сегодняшний день остаются недостаточно изученными и требуют дальнейшей научной разработки. С ростом продолжительности жизни ВИЧ-инфицированных пациентов возрастает распространённость сопутствующих

заболеваний, а также рисков, связанных с ухудшением качества жизни, функциональными ограничениями и социальной уязвимостью. Это обуславливает потребность в систематическом изучении влияния ВИЧ-инфекции на инвалидизацию и разработке эффективных подходов к реабилитации данной категории пациентов.

В ответ на эти вызовы в международной научной среде была предложена структура приоритетных направлений исследований, охватывающая шесть ключевых областей: эпизодическое ухудшение состояния здоровья и связанная с ним инвалидность; сопутствующие заболевания; старение с ВИЧ на протяжении всей жизни; доступ к реабилитационной помощи и модели оказания таких услуг; эффективность реабилитационных вмешательств; совершенствование методов оценки результатов лечения и реабилитации (O'Brien, K.K. et al., 2014).

Формирование этих направлений отражает стремление научного сообщества выработать комплексный и междисциплинарный подход к проблеме ВИЧ, инвалидности и реабилитации. Реализация исследований в обозначенных сферах позволит углубить понимание процессов, лежащих в основе функциональных нарушений у людей с ВИЧ, и создать научно обоснованные рекомендации для совершенствования клинической практики, реабилитационных программ и социальной политики.

